

Августнинг охирларида Канндаги пансионга бордим; денгизда чўмилиб, табиатдан нусха кўчириб, ижод килмокчи эдим. Анави галати аёл хар куни эрталаб кахва ичар, ўзи алохида столда ўтириб тамадди килар, доим ўйчан, тунд киёфада юрар, чор-атрофдаги одамларга эътибор бермас, кахвахўрликдан сўнг кайси гўрларгадир гойиб бўлар, кечгача корасини кўрсатмас эди. Пансионда бир хафтадан бери яшаётган бўлсам-да, хамон ўша аёлни кизикиб кузатиб юрардим: коп-кора сочлари калин, билакдек бир ўрим сочи оркасига ташлаб кўйилган, сочлари бошини чулгаган, кадди-комати келишган, соглом, эгнида кора-кизил мовут кўйлак, истараси иссик, лекин киёфаси тунд... Бизга ўн беш ёшлар чамасидаги эльзаслик киз ош-овкат, чой-нон келтириб берар, бажонидил хизматимизни киларди. Ёш бўлса-да сийналари бўлик, тўлишган, тўлишиб яна-да очилиб кетган, танतिकрок, лекин ёкимтой ожиза эди. У бировнинг гапини худди хуркак охудек кўзларини пирпиратиб, жилмайиб тингларди. Уни бир гал йўлакда учратиб қолиб саволга тутдим:

- Dites, Odette, qui est cette dame?
- Quelle dame, monsieur?
- Mais la dame brune, la-bas?
- Quelle table, monsieur?
- Numero dix.
- C'est une russe, monsieur.
- Et puis?
- Je n'en sais rien, monsieur.
- Est-elle chez vous depuis longtemps?
- Depuis trois semaines, monsieur.
- Toujours seule?
- Non, monsieur. Il y avait un monsieur...
- Jeune, sportif?
- Non, monsieur... tres pensif, nerveux...
- Et il a disparu un jour?
- Mais oui, monsieur...

«Гап буёкда экан-да! – деб ўйладим. – Энди баъзи нарсалар ойдинлашяпти. Лекин у эрта билан кайси гўрларга даф бўляпти экан? Хамон севгилисини излаяптими?» Эртаси куни кахвахўрликдан сўнг, одатдагидек, хонамдаги очик деразадан шагал гичирлаши эшитилдию пансион богчасига мўраладим: у одати бўйича ялангбош, кўйлаги рангидаги шамсиясини кўтариб тез-тез юриб кетиб борарди. Оёгида кизил пойабзал. Мен дархол хасса

билан шамсияни олиб, унинг оркасидан эргашдим. У кўча бошига бориб Карно хиёбони томон бурилди, мен хам ўша муюлишдан бурилдим. Ўйладимки, ўз хаёллари билан банд бўлиб оркасига карамайди, пойлаб бораётганимни сезмайди. Дархакикат, то вокзалга боргунча оркасига бир марта хам назар ташламади. Вокзалда учинчи тоифали вагонга чикаётган чоғда хам оркасига ўгирилиб карамади. Поезд Тулонга борарди. Мен хам хар эхтимолга карши Сен-Рафаэлгача чипта олиб, кўшни купега чикдим. Чамаси, у олисга кетаётган йўловчига ўхшамасди. Хўш, каёкка кетяпти?.. Напулада, Тэулада деразадан бошимни чикариб карадим. Нихоят, поезд Трэйясда бирпас тўхтаган пайт яна бошимни чикардим-у, бекатни тарк этаётган аёлни кўриб колдим. Вагондан сакраб тушиб яна

унинг оркасидан йўл олдим. Бу сафар олис масофадан таъкиб этиб боравердим. Узок юрдик – денгиз ёкасидаги тик жарлик ёнидан ўтган эгри-бугри муюлишлар, ёш карагайзор оралаб ўтган нишаб тошлок сўкмок хам оркада колди. Шу сўкмок оркали сохилга тик кесиб чикилса, йўл хийла кискаради. Ўрмон билан копланган кимсасиз серкоя кўрфазча томон тог киялаб борар, сохилга етгач тик кесилган табиий девор хосил бўлар эди. Вакт пешинга якинлашиб колган, кун иссик, килт этган шабада йўк, игна баргли арчазордан таралаётган хушбўй хид димокни ёраман дерди, атрофда зог учмас, тик этган товуш эшитилмас, факат чагалайлар сув сатхида юзиб юрар, онда-сонда чигиллаб кўйишар эди. Денгизнинг очик бўлган жануб томони ялт-юлт этиб кўзни камаштирар, йирик-йирик кумуш юлдузчалар сапчиб киргокка уриларди... Нихоят, у огирлигини оркага ташлаб югурганча сўкмок бўйлаб ям-яшил кўрфазчага тушди. Кўрфазча тўк кизил коялар орасида пайдо бўлган эди. Шамсиясини кумлокка ташлаб шоша-пиша ечина бошлади. Оёкяланг эди. Мен сертош кояга ётиб олдим, у коя остига корамтир гулли кўйлагини ечиб ташлади. Унга караб, хойнахой, чўмилиш куйлакчаси хам корамтир-тунд булса керак деб уйладим. Бирок, куйлак остида хеч кандай чўмилиш куйлакчаси йўк, факат калтагина пушти сорочка бор эди, холос. Сорочкасини хам ечиб ташлади; у офтобда обдон тобланган, баданлари кахрабо тусига кирган, соглом, бакувват эди. Кип-ялангоч холда окаришиб турган тип-тиник сувга кириб борди; чиройли тўпикларини эгиб-тўгрилаб, оркаларини намойишкорона ўйнатиб, куёшда корайган белларини кўз-кўзлаб сувга шўнгиди. Сувда жимиб колди, афтидан, сувда акс этаётган куёш нурлари кўзларини камаштирган эди. Кейин оёкларини ўйнатиб сувни шалоплатди, сув тубига чўнкайиб ўтирди, сувдан бошини чикариб бир айландию оёк-кўлларини кенг ёзиб сув устига ётиб олди; аста-секин юзиб кумлок сохилга чикди, тирсагини тираб кумга бошини кўйди. Кумуш тикондек ялтираб, бир маромда сокин чайкалаётган бепоён денгиз гуё уфкка сингиб кетарди. Сохилга туташ кўрфазча ва шинамгина серкоя манзил тобора кизиби борарди. Коядан иборат дим бўшликда, мўъжаз жануб ўрмонида шу кадар теран сокинлик хукм сураардики, пастимдаги кумлокда кўксини кумга бериб ётган аёлнинг ялтираб турган елкаларига, икки тилим оркаларига, кенг ёйилган оёкларининг орасига урилаётган шаффоф мавжларнинг майин чалоплаши хам бемалол эшитиларди. Мен харсанг оркасига яшириниб олиб ялангоч гўзалликни зимдан кузатиб ётар эканман, борган сари бетокатланиб, бу килик гирт бемаънилик, сурбетлик эканини паккос эсимдан чикариб юбордим. Каддимни тиклаб трубкални тутатиб тамаки чека бошладим. Дафъатан аёл хам бошини кўтардию пастдан юкорига – мен томон ажабланиб тикилиб колди. Бирок, аввал кандай ётган бўлса, ўша холатда чўзилиб ётаверди. Нима килишимни, нима дейишимни билмасдан каловланиб ўрнимдан турдим. Аёл биринчи бўлиб тилга кирди:

- Мен йул бўйи оркамдан биров эргашиб келаётганини сезган эдим. Нега эргашдингиз?
- Кечирасиз, шунчаки кизикувчанлик... – дедим гапни айлантормасдан.
- Ха, кўриниб турибди, кизикувчан экансиз. Мен хакимда сураб-суриштирганингизни Odette айтган эди. Сизнинг рус эканингизни тасодифан эшитиб колганман, шу боис хозир унчалик ажабланаётганим йўк – хамма руслар хаддан зиёд кизикувчан бўлади. Бирок, айтинг-чи, нима учун оркамдан эргашиб келдингиз?
- Аввало, кизикувчанлигим, колаверса, касбим шунака.
- Биламан, сиз рассомсиз.
- Сиз эса расмбоп аёлсиз. Бундан ташкари, хар куни эрталаб каёккадир гойиб бўлардингиз. Бу хол кўнглимга гулгула солди: каёкка? нима учун? Хатто нонушта

килмасдан кетардингиз. Вахоланки, пансион ахли бундай килмайди. Боз устига, турк-атворингиз хам бошкаларникидан фарк килади, доим бир нарсани ўйлаб юрасиз. Ёлгиз бўласиз, мик этмайсиз, кандайдир яширин сирингиз борга ўхшайди... Энди, ечинаётганимни кўриб нима учун кайтиб кетмадингиз, деб сўрамоқчимисиз...

- Текин томошани ташлаб гўрга кетармидингиз, - деди. Бирпас сукут саклаб, кўшиб кўйди: - Хозир сувдан чикаман. Бир дакика тескари караб турунг, кейин буёкка келасиз. Сиз хам мени кизиктириб колдингиз.

- Ўлсам хам тескари бурилмайман, - деди. – Мен рассомман, колаверса, биз ёш бола эмасмиз.

- Бўпти, менга бари бир, - деди у елкасини кисиб.

Сўнг баралла ўрнидан турди, олд тарафдан аёллик таровати рўй рост намоён бўлди. Шагални гичирлатиб шошилмасдан олга юрди, пушти сорочкасини бошига ташлади, кейин кўйлакча бўйнидан жиддий киёфаси кўринди, кийим хўл баданига ёпишиб колди. Мен унинг ёнига югуриб тушдим, ёнма-ён ўтирдик.

- Балки, трубкадан ташкари, папиросингиз хам бордир? – деб сўради.

- Бор.

- Менга хам беринг.

Папирос бериб, гугурт чакдим.

- Рахмат.

Тутунни ичига тортиб олис-олисларга нигох ташлади, оёк бармоқларини ўйнатди.

- Хозир хам сизга ёкяпманми? – деб сўради кесатик аралаш.

- Бўлмасам-чи! – деб хитоб килдим. – Офатижонсиз, баданингиз, сочларингиз, кўзларингиз... факат тунд киёфангиз галати кўриняпти.

- Ростини айтсам, кўнглимга ёмон бир ниятни тугиб кўйганман.

- Ўзим хам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Сиз якинда ким биландир ажрашгансиз, кимдир сизни ташлаб кетган...

- Ташлаб кетмади, иткитиб юборди. Мени ташлаб кочиб кетди. Билардим, у адои тамом бўлган кимса эди, лекин унга кўнгил бердим. Кейин маълум бўлдики, кип-кизил битта аблахни яхши кўрган эканман. У билан бундан бир ярим ойча мукаддам Монте-Карлода учрашдик. Ўша окшом казинода кимор ўйнаб ўтирган эдим. У хам ёнимда туриб кимор ўйнади, кўзларини олайтириб шарчаларни кузатарди. Омади чошиб кўп ютди, бир марта ютди, икки, уч, тўрт... Мен хам анча-мунча ютукни кўлга киритдим, у хаммасини кўриб турарди. Тўсатдан: «Тамом, пишти! Assez! – деб мен томонга ўгирилди-да: - N'est-ce pas madame?» - деб кўшиб кўйди. «Ха, пишти!» дедим кулиб. «Ие, русмисиз?» «Кўриб турибсиз-ку». «Ундай бўлса, кетдик – кайф-сафо киламиз!». Унга разм солдим – афтидан азоб кўрган одамга ўхшарди, лекин хийла келишган... Кейин нима бўлганини тасаввур этиш кийин эмас.

- Ха, кийин эмас. Кечки овкат пайтида апок-чапок бўлиб, тинмай гап сотгансизлар, хайрлашадиган пайт келганда ажаблангансизлар...

- Тўппа-тугри. Биз хайрлашмадик, бир-биримизга ёпишдик-колдик, ютиб олган пулларимизни совура бошладик. Монте-Карлода, Тюрбида, Ниццада яшадик. Канн билан Ницца оралигида, йўл бўйларида жойлашган ковокхоналарда нонушта, тушлик килардик. Сиз у жойлардаги нарх-наволар осмонда эканини билсангиз керак?! Хатто маълум муддат Cap d'Antibes мехмонхонасида хам яшадик, ўзимизни бой-бадавлат этиб кўрсатишга харакат килдик... Хамёнимизнинг таги кўриниб колди, охириги майда-чуйдамизни тўплаб Монте-Карлога йўл олдик, лекин бу сафаримиз халокат билан

якунланди. У бирёкларга гум бўлиб кетиб пул топиб келар, аммо бу пуллар аввалгиларга нисбатан арзимас миқдорда – эллик, юз франкдан ошмас эди... Сўнг менинг сиргаларимни, хатто никоҳ узугимни, ичдан буйнимга таъиб юрадиган тилло хочимни, бир пайтлар мен эри бор хотин эдим, кайси гўрларгадир элтиб сотиб юборди...

- Албатта, эрта-индин биров жуда катта карзини тўлайди, нуфузли, сармоядор дўстларим, таниш-билишларим бор деб ишонтирган.

- Ха, худди шундай бўлган. Унинг ўзи ким эди? Анигини хозир ҳам билмайман. Ўзининг ўтмиши тўгрисида батафсил, аник гапиришни истамасди, мавзуни дархол бошка томонга буриб юборарди. Ўзим ҳам бунга унчалик эътибор бермасдим. Биласиз, кўпчилик мухожирларнинг кечмиши бир хил бўлади: Петербург, ажойиб харбий қисмда хизмат, кейин инкилоб бошланади, Истанбул... Эски огайнилари ёрдами билан Парижда гўё яхшигина мавкега эга бўлади, истаган жойга кўли етади, хозирча Монте-Карлода вақтихушлик килади ёки Ниццада бирорта обрў-эътиборли дўстининг пинжиги кириб олиб... Хуллас, шунака гаплар билан кўйнимни пуч ёнгокка тўлдирди. Мен бўлсам кундан кунга рухан тушиб, ёруг дунё кўзимга тор кўришиб борарди, у эса мийгида кулиб: «Хотиржам бўл, менга ишонавер, Парижда хозир биз учун елиб-югуришяпти, бопладим – нима қилганимни сенга айтиб ўтирмайман, барибир аклинг етмайди, буёгини ўзимга кўйиб бер», деб таскин берарди.

- Хўш-хўш?

- Нима «хўш»?

У бирдан кўзларини чакнатиб менга карадию ўчиб колган папиросини узокка отиб юборди.

- Сизга буларнинг хаммаси кулгули туюляптими?

Мен кўлидан тутиб махкам сикдим.

- Шундай дейишга уялмайсизми?! Мен сизни Медуза ёки Немезида киёфасида тасвирламокчиман.

- Улар касоскор санамларми?

- Ха, жуда ёвуз.

У маъюс жилмайди.

- Немезида! Яна канака Немезида?! Йўк, сиз ёмон одамга ўхшамайсиз... Яна битта папирос беринг. У чекишням ўргатди... Хамма нарсага ўргатди!

Папиросни тутатиб, яна олис-олисларга назар ташлади.

- Дарвоқеъ, чўмилиш учун шунча жойга келганингизни кўриб ниҳоятда ажабланган эдим. Хар куни бўзчининг моқсидек лўкиллаб юришдан зерикмасмикан деб ўйлагандим. Энди билсам, сизга ёлғизлик керак экан.

- Тўгри.

Куёш тобора забтига олиб киздирарди, ховур ва хушбўй хид кўтарилаётган карагай шохларига кўниб олган чирилдоқлар аччиклангандек зўр бериб чирикларди. Аёлнинг коп-кора сочлари, очик елкалари, оёқлари кизиби кетганини сезиб турардим.

- Юринг, салкинга ўтайлик, кун ёндираман деяпти. Гамгин тарихингизнинг давомини ўша ерда гапириб берасиз, - дедим.

У уйкудан уйгонгандек сесканиб:

- Кетдик, - деди.

Биз ярим доира шаклидаги кўрфазчани айланиб ўтиб, кизил қоя остидаги салкин жойга ўтирдик. Бу ер ёп-ёруг, лекин дим эди.

Мен яна унинг кўлини олиб, кўйиб юбормадим. У буни сезмади.

- Энди давоми нима бўларди? – деди. – Мен хакикатан ҳам жуда хунук, шармандали ўша воқеани эслашни-да истамай колдим. Хойнахой, сиз мени гоҳ анави-гоҳ манави фирибгарнинг кунда-шундаги жазмани бўлса керак деб ўйлаяпсиз. Хечам ундай эмас. Менинг ўтмишим ҳам бошкаларникидан унчалик фарк килмайди. Эрим дастлаб Деникиннинг, сўнг Врангелнинг Кўнгилли армиясида хизмат килган, тақдир тақозоси билан Парижга келиб колганимиздан кейин, албатта, шофёрлик килди. Лекин аста-секин ичкиликка ўрганди, охир-окибат ичкиликка шу қадар ружу кўйдик, ишдан хайдалиб, ялангоёк дайдига айланди-колди. Энди у билан бирга яшай олмасдим. Уни охириги марта Монпарнаста, «Доминика» остонасида учратдим. Албатта, русларнинг шунака ковокхонаси борлигини билсангиз керак? Тун, ёмгир, у бўлса йиртик этикда кўлмак кечиби юрибди, каддини дол килиби ўтган-кетганнинг ёнига чопиб боради, кўлларини чўзиби садака сўрайди, одамларга ёрдамлашмокчи бўлади, аслида, таксидан тушаётган йўловчиларга халакит берарди, холос... Мен серрайиб колдим, ундан кўзимни узмасдим. Аста унга яқинлашдим. Таниди, кўркиби кетди, хижолат бўлди. Сиз унинг кандай ажойиб, меҳрибон, хушмуомала инсон эканини тасаввур ҳам килолмайсиз. Котиби колди, ўзини кўярга жой тополмасдан менга тикилди: «Маша, сенмисан?» Бужмайган, уст-боши бир ахволда, соқолига устара тегмаган, хаммаёгини сарик жун коплаган, шаллоба бўлган, совукда дир-дир калтирайди... Хамёнимда бор пулимни унга бердим, хўл, муздек кўли билан кўлимдан ушлаб билакларимни ўпа бошлади, елкалари силкинди, товушини чиқармасдан йиглади. Хўш, кўлимдан нима ҳам келарди? Фақат икки-уч марта хар ойда юз, икки юз франкдан пул жўнатиби турдим. Парижда менинг шляпа тикадиган устахонам бор, мўмайгина даромад киламан. Бу ерга мен хордик чиқаргани, чўмилгани келганман. Мана, кўрмайсизми... Эрта-индин Парижга кайтаман. Анави фирибгарни топиби кулогининг остига «шалва кайнатиби» кўйсам, жанжал кўтарсам – жуда бемаъни иш бўлар экан. Биласизми, мен бунинг бемаънилигини қачон расмона тушуниби етдим? Хозир билдим, сиз туфайли билдим. Бошимдан ўтган саргузаштни гапириби бердим-у, бирдан англаби колдим...

- Ажаб, хушторингиз кандай килиби жуфтакни ростлаби колди?

- Хамма гап шундаки, у ниҳоятда ифлос йўлни танлади. Биз мана шу пансиончага жойлашдик, хозир сиз билан мен кўшниман. Сар d'Antibes меҳмонхонасидан кейин бу ерда яшашни тасаввур этиби кўринг-а! Бундан ўн кунча олдин окшом чоги киморхонага чой ичгани бордик. Албатта, мусика чалинаётган, йигит-кизлар жуфт-жуфт бўлиби раксга тушаётган экан. Бундай манзарани кўрсам беихтиёр кўнглим айнийдиган бўлиби колган, шу қадар меъдамга урибди. Ишкилиби, ўтирибман, пирожное еяпман, у икковимиз учун буюртма беряпти, гоҳ-гоҳ илжайиб пичинг килади: «Қара, анавиларни қарагин, хақиқий маймунларга ўхшайди-я, оёқларини тапиллатиб, башарасини буриштирганини кўрмайсанми!» дейди созандаларни кўрсатиби. Сўнг бўм-бўш портсигарини очиб югурдакни ёнига чақирди, инглизларнинг папиросидан олиби кел, деб буюрди. Югурдак папирос келтирди. У хижолатомуз: «Мерси, чой ичиби бўлганимиздан кейин хақини тўлайман», деди. Тирнокларини кўздан кечириби ўтириби: «Кўлим дабдала бўлиби кетибди-ку! Хозир ювиби келаман...», деди менга қараби ва ўрнидан турдию кетди.

- Кейин кайтиби келмади.

- Йўк. Мен бўлсам кутиби ўтирибман. Ўн дақиқа кутдим, йигирма, ярим соат, бир соат... Қандай ахволга тушиб колганимни тасаввур этияпсизми?

- Тасаввур этияпман...

Мен ўша манзарани яқкол кўз олдимга келтирдим: стол атрофида чой ичиби ўтирибди,

атрофига аланглайди, мик этмайди, ахмокона ахволга тушиб колганини ўйлайди, хуноб бўлади... Йирик деразалардан тун кўйнидаги осмон кўринади, сокин денгиз мавжланиб жилоланади, пальмаларнинг япроклари корайиб кўзга ташланади, созандалар полни тапир-тупур этказиб тепади, асбобларини пуфлайди, темир лycopчаларни зарб билан уради, эркаклар товонларини бир-бирига уриштириб мусикага мос равишда чайкалиб, ракс бахонасида хонимларга махкамрок ёпишиб, шахвоний нафсини кондириш ниятида бир томонларга судрайди... Кўнжи узун этик кийиб олган хизматкор кўкимтир мундирни унга узатиб, бош кийимини ечиб таъзим килади, бир кути «High Life»...

- Кейин нима бўлди? Сиз ўтирибсиз...

- Ўтирган ўрнимда адойи тамом бўлганимни хис этяпман. Созандалар ҳам уйларига кетди, зал бўшаб колди, электр чироклари ёкилди...

- Деразалар оқаришиб турибди...

- Ха. Ўрнимдан турайдесам, оёқларимда мадор йўк. Нима килсам экан, нажот борми? Хамёнимда бор-йўги олти франк бор, холос. Кўлимга майда тангалар ҳам илашиб чикди.

- У ростдан ҳам хожатхонага йўл олади, зарур ишни адо этади, ўзининг фирибгарлик хаётини ўйлайди, сўнг тугмаларини қадайдиган ва йўлак бўйлаб оёқ учида юриб орка эшикдан кўчага чикиб кетади... Худо хақки, кимга кўнгил кўйган эдингиз?! Энди уни излаб топиб ўч олмокчимисиз? Нима учун? Сиз бокира кизалок эмассиз, унинг кимлигини, ўзингиз қандай ахволга тушиб колганингизни яхши билишингиз керак эди. Яккол кўриниб турган бемаъни хаётни нега давом эттирдигиз?

Аёл сукут саклади, елкаларини учириб кўйди.

- Кимга кўнгил берганимни ўзим ҳам билмайман. Айтадилар-ку, чин мухаббатга эҳтиёж бор эди... Афсуски, ҳеч қачон хақиқий мухаббатга дуч келмаганман... У эркак сифатида менга ҳеч нарса берган эмас, бериши ҳам мумкин эмасди, чунки аллақачон эркаклик қобилиятини йукотган эди... Ха, унинг кимлигини, ўзим қандай ахволга тушиб колганимни билишим керак эди. Бирок, мен билишни ҳам, ўйлашни ҳам истамасдим. Умримда биринчи марта енгил-елпи хаётга қадам кўйдим, орка –олдимга карамасдим яллама-ёрим қилиб юравердим, хузур-халоватдан бахраманд бўлдим, қандайдир васваса ичида яшадим. Хўш, нима учун уни топиб ўч олмокчи бўлдим? Яна васвасага учдим, хиракасқон хаёлларга қул булдим. Ахир, мен қабил, аянчли жанжалдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмаслигимни билмасмидим? Сиз нима учун деб сўраяпсиз. Чамамда, менга ҳам унинг қасофати урди, шекилли. Паст кетдим, фирибгарнинг хаётига шерик бўлдим; асосийси – у мени киморхонада шармандали ахволда қолдириб, ўзи хожатхона орқали кўчага қочиб чикиб кетгани учун қасд олмокчи эдим. Бош-кетимни йўқотиб кўйдим, киморхона қассасига бориб ёлгон гапирдим, ялиниб-ёлвордим, эртагача сумкачамни гаровга олиб қолинглар деб илтимос қилдим, лекин сумкачамни олишмади, ижирганиб чой, ширинлик, инглиз папириси учун тўланадиган ҳақдан воз кечишди. Парижга телеграмма жўнатдим, учинчи қуни минг франк қул олдим, киморхонага бордим – у ерда юзимга қарашмасдан қул олишди, ҳатто ҳисоб-қитоб қозғачасини кўлимга тутқизишди. Эҳ, азизим, мен ҳеч қандай Медуза эмасман, мен шунчаки муштипар аёлман, ожизаман. Устига устак, ниҳоятда таъсирчанман, ёлғизман, бахтиқароман. Лекин мени тугри тушунинг – ахир макиённинг ҳам юраги бўлади-ку! Мен ўша лаънати оқшомдан бўён гўё бедаво бир дардга қалинган эдим. Сизни менга худонинг ўзи етказди, энди қутилмаганда ўзимга қеляпман... Кўлимни кўйиб юборинг, қийиниб олай, яқинда Сен-Рафаэлдан поезд ҳам қайтиб қолади...

- Садқай сар, - дедим. –Яхшиси, қор-атрофга бир қаранг, анави қизил қояларни,

ям-яшил кўрфазчани, гадир-будур карагайларни кўряпсизми? Гачир-гучур этган жаннатий товушларни эшитмаяпсизми?.. Энди биз буёкка бирга-бирга келамиз.

Бўптими?

- Бўпти.
- Парижга ҳам бирга-бирга кетамиз.
- Хўп.
- Кейин нима бўлишини худо билади.
- Ха, албатта.
- Кўлингизни ўпсам майлими?
- Майли, майли...

1944, 3 июнь

*Олима Набизода таржимаси*